Янги йилингиз муборак!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил
1 январь
Душанба
№ 1 (13.437).
Баҳоси 3 тийин.

• Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. ГОРБАЧЕВнинг

СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ МУРОЖААТИ



Азиз ўртоқлар!

1989 йилнинг сўнгги дақиқалари [ў]тиб бормоқда, улар билан бирга бутун ўн й[и]ллик тарихга айланмоқда. Биз 90-йиллар[га] — XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига қадам қўймоқдамиз.

Бундай дақиқаларда биз ҳаёти[ми]зда юз берган барча воқеаларни яна бир бо[р] назардан ўтказамиз ва келажакка умид билан боқамиз. Ўзини граждан деб ҳис этадиган ва [ў]нга хос фикрлайдиган ҳар бир киши ўз тақд[и]рини Ватан тақдири билан боғлиқ деб ҳ[и]соблайди. Ўзимиз ва яқин қариндошларимиз [у]чун давр қувончлими, аччиқми — қандай [к]елишига қарамай, ҳар бир инсон бутун ма[мл]акат бошидан кечираётган нарсаларнинг б[и]р қисмини ўз гарданига олади.

Мамлакат ҳаётидаги алоҳида аҳамиятга молик йил, айтишим мумкинки, 1985 йил апрелида бошланган қайта қуришни[нг] [эн]г қийин йили ортда қолди. Йил [ш]унинг учун ҳам қийин бўлдики, биз [б]ир қанча ўткир муаммоларга тўғридан-тўғри дуч келдик. Иқтисодий ислоҳот тиғиз қийинчилик билан ўтмоқда, истеъмол бозори[д]аги вазият кескинлашди. Биз биринчи марта [ко]ммавий иш ташлашларни ва улар халқ хўжа[л]игига етказган оғир жароҳатларни бошимиздан кечирдик. Тартиб ва интизом етишмади. Бу[т]ун йил давомида миллатлараро муносабатла[р]нинг кескинлашгани келтириб чиқарган т[а]швишдан қутулолмадик.

Биз одатдагига ўхшамаган, янги ва кенг миқёсли вазифаларни ҳал қили[ш]га бевосита киришганимиз учун ҳам ўтиб б[ор]аётган йил қийин бўлди. Бу эса биздан жу[д]а катта маънавий, руҳий ва жисмоний куч с[а]рфлашни талаб қилди.

1989 йил биз учун нақадар о[ғ]ир келмасин, биз уни фақат ачиниш туйғулар[и] билан эмас, шу билан бирга ҳаммамиз учун зарур бўлган жуда катта ишлар амалга оши[ри]лган йил сифатида кузатиб қўймоқдамиз. [М]амлакат ўзини қайта қуриб яшади ва ишла[ди], янги йўлга чиқиб олди.

Тугаб бораётган йилда биз [к]ўп нарсани ўргандик. Кўп нарсани қайта ўйлаб чиқишга тўғри келди, кўп нарсани бир йил аввалгига нисбатан бошқача ҳис эта бошладик. Энди биз ўз олдимизга қўйган мақсадни равшанроқ тасаввур этмоқдамиз. Бу мақсад — инсонпарвар демократик социализмдир, эркинлик ва ижтимоий адолат жамиятидир.

Тугаб бораётган йилда бурилишларга олиб келган воқеалар юз бердики, уларнинг натижалари ҳали тўла-тўкис намоён бўлгани йўқ. 1989 йил Совет тарихининг бир неча ўн йилликлари давомида биринчи марта, чинакам эркин сайлов ўтказилган йил бўлди; халқ депутатлари биринчи ва иккинчи Съездлари ўтган йил бўлди; парламент тажрибасини орттириш, халқнинг демократик маданиятини кескин юксалтириш йили бўлди. Муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва улар келажак учун хизмат қилмоқда. Жамиятимизнинг туб негизларини қайта қуришга тааллуқли қонунларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

1989 йил — мамлакатда ижтимоий-иқтисодий кескинликни пасайтиришнинг самарали чораларини зўр бериб излаш йилидир. Халқ депутатларининг иккинчи Съезди истеъмол бозоридаги аҳволни яхшилашга, мамлакат халқ хўжалигини соғломлаштиришга, тағин ҳам самаралироқ, пухтароқ, инсон манфаатларини қондиришга қаратилган иқтисодиётга ўтишга мўлжалланган ҳукумат программасини тасдиқлади.

Яна бир нарса тўғрисида гапирмоқчиман. 1989 йилнинг ўзига хос белгисига айланган барча мураккабликлар, сиёсий эҳтирослар орқали жамиятда мулоқот, ҳамжиҳатлик, турлича позицияларни ҳурмат қилиш, ўзаро мақбул қарорларни излаш зарурлигини англаб етиш кучайиб бормоқда. СССР халқ депутатларининг яқиндагина ўз ишини тугатган иккинчи Съездини мен мамлакатда бошланган амалий мулоқотнинг кўринишларидан бири деб ҳисоблайман.

Хуллас, тугаб бораётган йилда шундай уруғ сочилдики, уларнинг униб-ўсишига шубҳа қилмаса бўлади. Улар бизнинг заминимизда қийинчилик билан ўсиб чиқмоқда, доимий парвариш ва ғамхўрлик қилишга муҳтож бўлмоқда. Лекин улар кўклаб, илдиз олиб кетса (бу ҳақда биз жон куйдиришимиз шарт), у ҳолда бутун мамлакатга ва ҳар бир кишига катта самара беради.

Биз эртанги кунимизга умид билан қарай оламиз. Йўлимизда турган тўсиқлар нақадар улкан бўлмасин, уларни енгиб ўтиш учун қанчалик қатъийлик ва шиддат талаб қилинмасин — мамлакатимиз бу ишни уддалай олади. Мамлакатимиз ўзининг қудратли қоматини тиклаб олиши, ўзига зўр ишонч ҳосил қилиши мумкин ва лозим.

Тугаб бораётган йил халқаро майдонда катта ўзгаришлар йили бўлди. Янги сиёсий тафаккур самара бера бошлади. 1988 йилда Умумевропа хонадони ғоясини кўп одамлар ўзига хос хомхаёл деб ўйлаган эдилар. Бу йилнинг охирида эса Умумевропа хонадони тўғрисида уни реал истиқбол деб гапирмоқдалар. Қитъанинг урушдан кейин парчалаб юборилганлиги ўтмишга айланмоқда.

Тугаб бораётган йил «совуқ уруш» тугаган йил бўлди. 90-йиллар инсоният тарихида энг самарали йиллар бўлиши кутилмоқда. Лекин ана шу имкониятдан фойдаланиш учун мамлакатимизда бизга бирдамлик, ҳамкорлик, аҳиллик зарур бўлганидек, дунёга ҳам бирдамлик, ҳамкорлик, аҳиллик зарур.

Инқилобий янгиланиш тўлқинлари Шарқий Европа орқали ўтди. Берлин ва Софияда, Прага ва Бухарестда юз берган мушкул воқеалар социализмни демократия билан бирлаштириш зарурлигини яна бир бор зўр куч билан кўрсатди. Биз бу йўлда дўстларимизга муваффақиятлар тилаймиз. Улар бизнинг бирдамлигимизга ҳамиша умид қилишлари мумкин.

Ҳаммамизнинг номимиздан барча халқларга Янги йилда энг яхши истакларни билдиришга, халқимиз озодлик ва тараққиёт йўлидан улар билан бирга боришга тайёр, деб айтишга рухсат бергайсиз.

1990 йил бўсағасида турибмиз. Бу — социализмни инқилобий қайта қуришда катта умидлар ва амалий ишлар йилидир. Янги йилда инқилобий ишимизда қатъият ва бардошлилик, қайта қуриш учун курашаётган барча кучларни бирлаштиришимиз зарур бўлади. Ақл-идрок ва эзгулик, сабр-тоқат ва бардошлилик — ана шу асосий инсоний фазилатлар биз учун ҳаётий зарурдир, бундай фазилатлар ҳар бир кишида мавжудлигига ишончим комил.

Биз ҳақиқатан ҳам ноёб имкониятларга: улкан интеллектуал ва меҳнат имкониятларига, жуда бой табиат ресурсларига эгамиз. Биз улардан фойдаланиб, 1990 йилда вазиятни яхшилик сари ўзгартиришимиз мумкин ва лозим. Лекин бунинг учун ҳаммамиз виждонан, яхши ишлашимиз керак.

Азиз ўртоқлар, Сизларга мурожаат қилар эканман, ҳозир Совет Иттифоқида яшовчи барча миллатларга мансуб миллион-миллион одамлар — аёллар, эркаклар ва болалар, ўз манфаатлари ва майлларига эга бўлган турли касб вакиллари келажакка тузган режалари ва умидлари билан Кремль курантлари занг уришини кутиб ҳозир телевизорлар олдида тўпланганини кўз олдимга келтираман.

Янги йил бўсағасида бу йил ҳамжиҳатлик ва жипслик белгиси остида ўтсин, деб астойдил истак билдирмоқчиман, жамиятимизга, Сиз билан бизга — ҳаммамизга бундай ҳамжиҳатлик ва жипслик жуда зарур.

Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Сизларга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайман!



Рассом Олимжон ХОЛИҚОВ.

Зулфия МУМИНОВА.

ЭЛ ТОМОН ЮРСИН!

Эшик чертаётир дўстим [Я]нги йил,
Унинг атагани бор бўлс[и]н Сизга.
Янги йилда тушингизга ҳ[е]м
Кирмаган омадлар ёр бў[л]син Сизга.

Дейдилар: от йили туғи[л]ган гўдак,
Беҳад кўркли бўлар, бў[л]ар бақувват.
Мен Сизга энг кўркли қ[из]лар
тилайман,
Уғиллар тилайман, Алпомиш келбат.

От десам кўзимга тўйлар кўринар,
Тоғу тош, ям-яшил яйлов кўринар.
Болалик кўринар, томошага ўч,
От минган келину куёв кўринар.

Тушида от кўрган муродга етар,
Тушга отлар кирсин, юганни тишлаб.
Неки маҳсудингиз бош эгиб келсин,
От йилининг бўрон ёлидан ушлаб.

Дўстим, юртим дея жон ҳалак дўстим,
Қулун изи кўрдим йўл, йўлкангизда.
Юртда яхши гаплар кўпайсин, илло,
Шамол тегсин, азиз шу елкангизга.

Янги йил, янги бахт, янги истиқбол,
Қадамингиз тушар йўл томон юрсин.
Ёмонлик, адашсин Сизни тополмай,
Яхшилик Сиз яшар эл томон юрсин.

Янги ойнасўз

XX аср кундалиги

1990 йилда таҳрир ҳа[й]атимиз муштарийлар эътиборига янги-янги ой[на]сўзлар (рубрикалар) ҳавола этишни режалаш[ти]рган. Бугун сиз уларнинг дебочаси билан тани[ша]сиз: «XX АСР КУНДАЛИГИ».

Асримиз воқеаларга, та[ш]вишларга, қувонч ва фожиаларга тўла. Давримизда рўй бераётган оламшумул янгиликларни билиб, англаб етишга улгуриш мушкул. Бунда сизга «XX аср кундалиги» ёрдам беради.

«Ёш ленинчи»да вақти-вақти билан пайдо бўладиган бу «кундаликка» оламда, мамлакатимизда ва жумҳуриятимизда рўй берган, бераётган воқеа — ҳодиса ва янгиликлар ҳақидаги ахборот-шарҳлар бериб борилади.

Уйлаймизки, газетамиздаги бу янгилик Сизга маъқул келади.

Яна бир янгилик: редакциямиз қатор ижодкорлари шу бугундан эътиборан ўз асарларига «Ўзбекистон ССР давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 25-моддаси ва миллий анъаналаримиз руҳидан келиб чиқиб имзо қўядиган бўлдилар, яъни Фарруҳ Раҳим, Аҳрор Аҳмад ва ҳ. к. Бу ҳам ҳаётимизда рўй бераётган инқилобий қайта қуриш шарофатидан.

3-бетга қаранг!



ҲАМЖИҲАТЛИК ЗАРУР

«Пешона»си»да СССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг рамзи бор қора «Волга» Домодедово аэропортига шошилади. Икки-уч соатдан кейин самолётга чиқишимиз керак. Йўлдан кўзини узмай бораётган ўта жиддий ҳайдовчининг ёнида Одил аканинг ўғли Малик. Биз Одил ака билан орқа ўриндиқдамиз...

Кремль ҳам, қаршисида жойлашган «Россия» меҳмонхонаси аллақачон ортда қолди. Манзил йироқ. Олдин зерикмаслик учун у ёқ, бу ёқдан гаплашамиз...

Мен шуни билардимки, Одил Ёқубов, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Съезд бошланган биринчи кундан то охирги кунгача, яъни ўн икки кун давомида сўзга чиқиш умидида юрди. У кишига ҳар гал «Эртага палон масала бўйича албатта гапирасиз», деб ваъда беришар ва Одил ака Съезд йиғилишидан ҳориб-чарчаб келишига қарамай, уйқунинг бир неча соатидан воз кечиб, ўша масала хусусида ўткир муаммоли нутқ ёзарди. Лекин уларнинг бари қоғозда қолиб кетаверарди.

— Асосий нутқимни, — дейди Одил ака — Тошкентда ёзгандим. У Рижковнинг иқтисодиятимизни соғломлаштириш маърузаси бўйича эди.

— Нима масалалар кўтариб чиқилганди нутқингизда?

— Иқтисодий тенгсизлик масаласи. Биласизми, жумҳуриятлар орасида содир бўлаётган тўқнашувлар, низоларнинг сабаби миллатчилик эмас, балки иқтисодий адолатсизликдир. Умумиттифоқ дошқозонига (мен уни тўймас, очкўз қозон, деб атагандим) қайси жумҳурият қанча масаллиқ солаяпти-ю, ундан қанча овқат олаётганини эса ҳеч ким билмайди. Сабаби, Сталин буни ман этган. Бу — ниҳоятда мураккаб ва шу сир очилиши керак.

Лекин мен шуни баралла айта оламанки, айрим, дейлик, Болтиқбўйи, Кавказ ортидаги жумҳуриятлар бу қозонга қошиқлаб солиб, чўмичлаб олиб кетмоқда. Биз эса чўмич-чўмич масаллиқ солиб, мудом қошиқлаб оламиз. Аммо бизни доимо «чўмичлаб олаяпти», деб (Сизга ҳам шу гап бўлди) айтишгани-айтишган. Эмишки, давлат Ўзбекистонга йилига уч миллион сўм қарз берарканмиш. Бу — ғирт ноҳақлик.

Мана, қаранг, қирқ миллион аҳолиси бўлган Миср... бор-йўғи 450 минг тонна пахта беради. Тўғри, пахтаси яхши, сифатли. Унинг ҳар бир тоннаси жаҳон бозорида ўн минг долларга сотилади. Мисрликлар шу пахта ҳисобига энг камида аҳолисининг ярмини боқади. Бизнинг пахтамиз у қадар сифатли эмас, буни тан олишимиз керак. Аммо жаҳон бозорида у ҳам талаш. Бир тоннаси 5 минг доллар туради. Энди долларни Совет ҳукумати тан олган курсга чақайлик: бир доллар 6 сўму 30 тийинга тўғри келади. Демак, бир тонна пахтамиз қанча бўлади? Ўттиз минг сўмдан кўпроқ. Давлат эса бизга 800 сўмдан ҳақ тўлаяпти, холос... Ҳақиқатан йироқ баъзи публицистлар, худди ана шу ҳисоб-китобдан келиб чиқиб, бизни дотация олади, дейишяпти. Аслида эса биз фақат пахтамиз билан бутун мамлакатни боқаяпмиз-ку, ахир!

— Яна қайси муаммоларни кўтаргандингиз, армонга айланган ўша нутқларингизда?

— СССР ички ишлар министри Бакатин ўз чиқишида Иттифоқда мафия, порахўрлик авжига чиқаётганини айтиб, бир қатор регионлар ва, айниқса, Москвани қаттиқ танқид қилди... Аммо Бутуниттифоқ матбуоти-ю, телевидениеси эса Ўзбекистоннигина билиб олишган, холос.

— Сизга сўз тегмаганининг сабаби нимада деб ҳисоблайсиз?

— Бу нарса Съезд секретариати, унинг президиумига боғлиқ эди.

— Лекин секретариатда жумҳуриятимиз вакиллари, жумладан, депутат Мастура Сайфуддинова ҳам бор эди-ку! Эсимда Мирзаҳмад Мирқосимович Мирқосимовга сўз тегмаслигига кўзи етгач, у йиғлаб юборувди. Ва шундан сўнг Мирзаҳмад ака минбарга чиққанди...

— Мастура — пок, оққўнгил қиз. У ҳамма юртдошларимизга сўз тегиши учун қўлидан келганича уринди. Аммо, менимча, секретариатга, дейлик, андижонлик депутат Пўлат Охуновга ўхшайдиган, ушлаганини чўрт кесадиган йигитларимиз киритилганида янада яхши бўларди.

— Ўзингиз ҳам сўз учун роса курашибсиз. Шу ҳақда гапириб берсангиз.

— Секретариат раиси Крючковга икки марта мурожаат қилдим. У ҳар гал «Майли, олиб берамиз»дан нарига ўтмади. Анатолий Иванович Лукьяновга уч-тўрт учрадим. Охирги кун иккимиз сал ҳижолат ҳам бўлдик. «Мен сизни биламан ва бугун, албатта, сўзга чиқасиз. Биринчилар қаторида», деди. Энг охирги соатгача илинж билан ўтирдим. Лукьянов эса: «Юз нафар одам сўз сўраган, нима қиламиз? Давом эттираверамизми муҳокамани, ёки... Ўзи вақт ҳам анча бўлиб қолибди», — деб Съездга мурожаат қилди. «Тўхтатиш керак», деди бунга жавобан залдагилар бир овоздан. Чунки одамлар ҳам толиққан эди-да...


Биласизми, мен янг нимадан ранжидим? — хиёл ўйланиб гапини давом эттирди Одил ака. — Болтиқбўйи ёки бошқа регионларнинг депутатлари регламенти беш минутга мўлжалланган муҳокама юзасидан, ҳатто ўн минут гапиришсаям, уларга ҳеч ким деярли ҳеч нарса дейишмади. Ўрта Осиё жумҳуриятларидан бирор бир депутат минбарга кўтарилгудек бўлса: «Сизга уч минут», деб уни чеклаб қўйишарди. Мана, Аҳмаджон Мухторовнинг гапи ярмига етар-етмай, микрофонни ўчиришди.

— Лекин, очиғи, баъзи депутатларимиз фақат ўзини кўрсатиш, сайловчиларга ёқиш учун ҳам чиқишди...

— Тўғри, шундай депутатларимиз ҳам бўлди. Лекин Съезд минбарига ўта салмоқли муаммо билан кўтарилиш керак. Ана ўшанда биз, залда ўтириб уни тинглаётган депутатларимиз ҳам, жумҳуриятимизда туриб бизга кўз тикиб ўтирган ҳамюртларимизнинг ҳам юзлари ёруғ бўлади.

— Съездда қай бир депутатимиз энг катта муаммолар билан чиқди, Сизнингча?

— Мирқосимов. Лекин шуни айтмоқчиманки, ушбу Съездда биз жанговарроқ эдик. Бунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг роли катта бўлганини айтиш керак. У киши бизларга ҳар сафар «Ҳаракат қилинглар, қўлларингдан келгунча олишинглар», деб мадад бериб турди... Ҳар ҳолда, депутатларимизнинг бир қисми Съезд пайтида фаол ишлади. Масалан, Қўқон ёғ-мой комбинати-



нинг директори Юсу[illegible] Ёқубов (ўзим кузатиб турдим[illegible]ашмаган раҳбар қолмади. Риж[illegible] Лигачев, Абалкин ва бошқала[illegible] олдига кириб, сайловчилари-ю[illegible]н шаҳри учун кўп нарсалар «[illegible]ди». Солижон Мамарасулов [illegible]илигидаги бир группа деҳқо[illegible]татларимиз эса ўрток Рижков[illegible]хузурига боришиб, катта-катта [illegible]моларни ўртага ташлашди.

— «Ёш ленинчи» му[illegible]йиларига, ёшларга Янги йил тил[illegible]ингиз!

— Бугунги кунда бел[illegible]тган режаларимиз ёшларнин[illegible]коатисиз амалга ошмайди. Янги [illegible]а барчага саломатлик, тинч-то[illegible]к тилаш билан бирга, ёшларга [illegible]ишларни амалга оширишда ши[illegible] сафарбарлик тилайман.

Анвар ЖЎРА с[illegible]тлашди.
Москва — То[illegible]т.

Янги боғча

Байрам арафасида 280 ўринли замонавий болалар боғчаси Сариосиё посёлкасидаги Аэропорт маҳалласи кичкинтойлари ихтиёрига топширилди. Қурилиш ишларини «Тўпалангидрострой»га қарашли қурилиш кооперативи ишчилари бажаришди. Бино қисқа муддатда — беш ойда қуриб битказилди. Кираверишда, дарвоза ўрнида олти метрли баҳайбат Гулливер қад ростлаган. Унга қарама-қарши томонда Шумболанинг тасвири туширилган. Ҳовлида турли эртак қаҳрамонларининг ёғоч ўйма ҳайкаллари ва нақшбанд уйчалар ўрнатилган.

— Кооператив деса, кўпчилик юзини буради, — дейди бригада бошлиғи Фозил Мирзақобилов. — Биз ҳам олдинига анча иккиланган эдик. Лекин ёмон томони йўқ экан. Боғчани вилоятимиздаги энг гўзал бинолардан бири деб баҳолашмоқда. Бундан ташқари, ёнимиздаги турар-жой биносини барпо этаётган қурувчилар биз билан басма-басига ишлашди. Икки ўртада рақобат юзага келди. Натижада, иморатлар сифатли қурилди. Ҳозирги кун учун муҳими ва кераклиси шу эмасми!!

«Қурилиш» кооперативининг илк иши — боғчага «Қалдирғоч» номи берилди.

(Ўз мухбиримиз).

Мўъжизасиз—мўъжиза

Юлдузлар асирими?

«Юлдузлар мойил қилади, аммо мажбур этмайди» — асрлар оша ҳозирги кунимизгача бўлган йўлни босиб ўтган мунажжимликнинг асосий қонуни ана шундай. Бугунги кунда бу фан ўз олдига нимани мақсад қилиб қўяди? Мухбиримизнинг таниқли мунажжим, кимё фанлари доктори, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ф. К. ВЕЛИЧКО билан суҳбати шу ҳақда борди.

— Кўпчилик мунажжимликка қандайдир хаёлий, ғайритабиий сифатида муносабатда бўлади. Шунга қарамай, ана шу «хаёлий» фан вакиллари томонидан башорат қилинган кўпгина ажойиб ноёб ҳодисалар, воқеалар содир бўлгани маълум...

— Машҳур Нострадамуснинг биргина башорати аҳамиятини нимага тенглаштириш мумкин? Ахир у Гитлернинг пайдо бўлишини аниқ-равшан башорат қилган. Бу эса воқеа содир бўлишидан анча илгари бўлган! Тўғри, янглишди ва фақат бу махлуқнинг туғилишини башорат қилиб, фамилиясини Гифлер, деб бироз ноаниқликка йўл қўйди.

— Мунажжимлар улуғ Вольтер 32 ёшида ўлишини башорат қилиб, хатоликка йўл қўйишди-ку...

— Бу аниқ. Вольтер 60 ёшгача умр кечириб, башоратчилардан заҳарханда кулган эди. Айтгандек, бу беҳуда кулиш эди! Унинг биографиясидаги мана шундай факт мутлақо аниқ белгиланган: бир куни 32 ёшли Вольтер кўчада сайр қилиб юрганида, унга безорилар тегажоқлик қилишади. Бу ҳолатни ўзининг уйи пешайвончасидан кузатиб турган граф де Роган дил-дилидан қувониб кулади. Уни истеҳзоли кулгилар билан таҳқирлагани учун Вольтер довюракни дуэлга чақиради. Бу енгилтак хатти-ҳаракат эди. Гап шундаки, граф де Роган машҳур дуэлчи, моҳир қиличбоз бўлган, Вольтер эса шамширни зўр-базўр ишлатар эди. Граф унинг даъватини бажонидил қабул қилади. Вольтер ҳалок бўлиши аён эди. Бироқ, кутилмаган тасодиф ишни чаппасига айлантириб юборади — дуэл арафасида Вольтерни ҳибсга олишади ва турмага қамаб қўйишади. Башорат тўғри қилинган-у, тасодиф туфайлигина у амалга ошмай қолади.

— Бахтли тасодиф... Бироқ, сизнинг кимёгарлик ихтисосингиз мунажжимлик сингари «самовий» фанга қандай муносабатда бўлишини айтиб берсангиз.

— Инсонларнинг биомаромлари асосида кимёвий реакциялар ётади. Масалан, роҳатланиш нима? Кимёвий нуқтаи назардан бу бир қатор кимёвий моддаларнинг мияда синтезланишидир. Ана шу реакцияларга самовий жисмлар, асосан Ой ва Қуёш айнан таъсир кўрсатади. Ой денгизларда ва океанларда кучли тўлқинларни юзага келтиради. Сиз билан бизнинг тўқималарда ҳам шунга ўхшаш ҳол содир бўлади.

— Айтайлик Ой ва Қуёш билан боғлиқ нарсалар ҳар ҳолда кўпми ёки озми аён. Лекин юлдузларнинг бунга қандай дахли бор?

— Амалда уларнинг ҳеч қандай дахли йўқ. Гап шундаки, улар мунажжимликда инсонларнинг ҳаётини моделлаштириш учунгина фойдаланиладилар. Бу азалий анъана. Мисоли компьютерда моделлаштириш принципининг ўзи. Юлдузлар рамзлар ролини ўйнайдилар. Бугунги кунда мунажжимларга кўпинча тасаввуфда, шайтонга ишонишда ва яна худо билади нималардадир таъна қиладилар. Бу танқид замонавий мунажжимлик билан мутлақо таниш бўлмасликни кўрсатади. Мана шунинг учун ҳам унинг гуноҳларини ўтган асрларга тўнкашади. Яна бир бор такрорлайман: бизнинг биомаромларимиз ва ҳаётимиз юлдузлар билан ҳамоҳанг, умуман эса оқибат сабаб эмас!

— Илми нужум қайси вақтда пайдо бўлган?

— У инсонлар календарни ишлаб чиқиш, деҳқончилик учун энг қулай вақтни ҳисобга олиш, сув тошқини бўлишини олдиндан айтиб беришни ўргана бошлаган жуда қадим замонлардан бошланган. Олимларнинг аниқлашларига қараганда, Междуречьедаги топилган илми нужумга доир жадвал мунажжимлик эрамиздан олдинги асрнинг икки мингинчи йилида бўлган. Бу бебаҳо сополлардаги кўрсаткичлар ҳозир Британиянинг музейида эҳтиёт қилиб сақланмоқда. Қадимги мисрликлар, масалан, Нил дарёсининг тошишини осмондаги ёрқин юлдузлар ғужуми пайдо бўлиши билан боғлашган. Уни айтиш мумкинки, сув тошқини юзага келишининг айбдори ҳисоблашган. Такрор айтаманки, бу ўринда узвийлик фақат бир-бирига боғлиқлик тарзида содир бўлган. Қадимда эса бу номаълум эди! Осмон жисмларининг бир маромда ва ғоят аниқ ҳаракатланишини кузатишиб, улар ўз ҳаётларини қандай ташкил этишни у билан боғлайдиган бўлиб қолишган. Илми нужумнинг «юлдузли» анъанаси ҳам ана шундан келиб чиққан.

— Баъзи бир мунажжимлар вақт-вақти билан бизни дунё охирини башорат қилиш орқали қўрқитишади. Ана шу маълумотларнинг бирортаси ҳам маълумки, ўзини оқлаганича йўқ. Бундан чин кўнгилдан қувониб, шундай бўлса ҳам, сўрамоқчиман: нима учун сизнинг ҳамкасабаларингиз, сўз ўйини учун кечирасиз-у, самога панжа уришади!

— Илми нужумда турли усуллар мавжуд. Айтайлик, турли физикада электрон қувватини ҳисоблаш ҳар хил бўлганига аниқ ўхшайди. Кимдаким дунё охирининг санасини аниқлашга уринса, шунинг учун муваффақиятсизликка учрайдики, илми нужум қараёнларнинг даврийлиги эҳтимолига катта умид боғлайди, холос. Ҳозирча бирор бир дунёнинг охири бўлгани йўқ, циклнинг такрорланишига умид боғлаш ҳам мумкин эмас. Бу ўринда шуни чуқур таас[illegible] билан таъкидламоқчиманки, [illegible]римиз борган сайин қи[illegible] унинг мароми тиғизла[illegible]раётир. Бу ҳисоб-китоб[illegible]лишни ғоятда мушку[illegible]ради. Наслни рағбатл[illegible]чи омилни олайлик. Ул[illegible]ган сайин кўпайиб бораётир, уларнинг кенг тарқалиши эса мунажжимлар учун ҳалокатлидир! Ахир мунажжимлар инсон туғилган пайтда бирор бир нарсага боғлаб қўядилар, ана шундан унинг биомаромини келтириб чиқарадилар. Бола дунёга воқеаларнинг табиий бориши бузилган ҳолда келиши эҳтимол тутилган барча манзараларни бир-бирига қориштириб юборади.

— Айтинг-чи, кириб келаётган 1990 йилда бизни нималар кутмоқда?

— 1990 йил барқарорлиги билан тафовут қилади. Кўпгина мунажжимлар шу фикрга келишаяпти. Биз Совет-Польша-Швед «Интербел» фирмасининг буюртмасига биноан илми нужум юзасидан бир қатор асарлар муаллифи, математик М. Левин билан Оврупа илми нужум мактабининг қонун-қоидалари бўйича тузилган 1990 йилнинг мунажжимлар фол очиши учун батафсил юлдузлар жадвалини ишлаб чиқдик.

«Интербел» ҳозирданоқ уни тижорат асосида тарқатишни бошлади.

— Эндиликда валютага олиш удум бўлиб қолган, эҳтимол, бу ҳам шундайми?

— Фақат валютага харид қилиш шарт эмас. Ватандошларимиз уни суммага ҳам олишлари мумкин. Бунинг учун истовчилар «Интербел» фирмасининг Москва ваколатлиги Москва шаҳар Саноат қурилиш банкининг Сокольник бўлимининг № 1700353 ҳисобига 5 сўм ўтказишлари кифоя. Тасдиқнома ва буюртмада таваллуд топган йил кўрсатилиши ва дона-дона қилиб қайтиш адреси ёзилган бўш конверт қўшилган ҳолда юборилиши лозим. «Интербел» эса мунажжимлар фол очиши учун мўлжалланган жадвалга 1990 йилнинг 00 соат 00 дақиқасида сайёраларнинг жойлашишини кўрсатувчи харита-илми нужум схемасини бепул илова қилган ҳолда жўнатади.

— Сиз тижорат сиридан бироз четга чиқишингиз ва мана шу мунажжимлар фол очишига мўлжалланган жадвалдан бирор бир нарсани айтиб бера оласизми!

— Марҳамат, мана жумладан, мучали февралга тўғри келадиган кишиларни нималар кутиши мумкин: «...ой охирида эски ишқий алоқаларни йўлга қўйишга бўлган уриниш муваффақиятсизликка учрайди. Оилавий ички муносабатлар яхшиланиб боради. Ой сизнинг таъсир кўрсатишингиз, мулоқотларингиз ва танишувларингиз кенгайиб бориши билан характерланади». Бу кичик бир шингил, холос. Мунажжимлар фол очиши учун мўлжалланган жадвалга умуман сиз қайси бурж (Қуёшнинг йиллик ҳаракат йўлида босиб ўтадиган ўн иккита юлдуз туркуми мажмуи) таваллуд топганингизга боғлиқ ҳолда йилга таъриф ҳамда ҳар бир ойга тавсияномалар берилган. Сиз ундан буржингиздан қатъий назар қалтис кунлар ҳисобини топа оласиз.

Турли кишилар илми нужум ҳисоб-китобларини турлича қабул қилишлари табиийдир. Аммо мунажжимлар фол очиши учун мўлжалланган жадвал — бу ҳатто ҳар нарсага ўта шубҳа билан қаровчилар ҳам, ҳаёти тўғрисида жиддий мулоҳаза юритиши учун кам деганда яхши бир баҳона бўлади. Бу эса ҳамиша ва ҳамма ишда фойдадан холи эмас.

Москва.
ТАСС.



Дўппи тикдим,
ипаклари тиллодан[illegible]
Бу қўшиқ янада
қалбга яқин,
жарангдор эшитила[illegible]
бошлади.
Азалий миллий
бош кийимимиз —
дўппига бўлган
ихлос кейинги
вақтда янада
ортиб боряпти.
Кечагина дўппини
уй, маросим кийими[illegible]
деб ҳисоблаб юрган[illegible]
ҳам бугун уни фахр[illegible]
билан бошларига
кўтаришяпти.
Ахир шундай бўлиш[illegible]
ҳам керак эди-да.
Бундан дўппичи
чеварларимиз ҳам
хурсанд.
Суратдаги қизга
қаранг: ўз касбидан
фахр-ифтихор туйғу[illegible]
унинг мамнун боқиш[illegible]
ларида яққол
акс этиб турибди.
Унинг исм-шарифи
Олтиной Қодирова.
Андижон шаҳридаги
бадиий буюмлар
фабрикасининг
дўппи тикиш цехида
ишлайди.
Олтиной кунига
47 ўрнига 80 дўппига
ишлов беради.

Сурат муаллиф[illegible]
А. МИРЗАЖОНО[illegible]

Тажриба орттириш учун

Усмон Носир номидаги Тошкент полиграфия техникуми ўзининг биринчи қалдирғочларини ҳаётга кузатиш арафасида...

Битирувчи талабалар дипломолди амалий машғулотларини ўташ учун Ватанимизнинг тарихий шаҳарларидан бири — Киев шаҳрига жўнаб кетдилар. Илгари Ленинграднинг «Печатний двор» ҳамда Москва шаҳридаги йирик босмахоналарида практика ўтаган ёшлар эндиликда Киев шаҳрида ҳам амалий машғулотларини ўтайдилар. Бўлажак матбаачиларнинг бир гуруҳи эса Тошкент шаҳри босмахоналарида ўз билимларини синаб кўришмоқда.

Ю. ҚУЛТОЕВА,
«Ёш мухбирлар» университети тингловчиси.

Янги йил мусоҳабаси

Болалар қувонсин десак

Янги йил айёми. Ям-яшил арчалар атрофида Қорбобо ва Қорқизнинг жажжи ўғил ва қизларга қувонч бағишлаётганини кўриб, сиз ҳам беҳад шодланасиз. Ўрмон бекаси арчажонни шундай ясантиришганки, келинчаклар ҳам унинг олдида лол қолиши аён. Болалар-чи? Ниқоблар кийиб олиб, барчани ҳайратга солишмоқда.

Янги йил байрами кунларининг янада файзли ва мароқли ўтишида Тошкентдаги «Болалар дунёси» чакана савдо фирмаси ходимларининг хизматлари катта. Мухбиримиз айём арафасида фирма-дўкон бош директори Мақсуд Баговутдинович САЙФУЛИН билан учрашиб, унга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Мақсуд Баговутдинович, коллективингиз халқимиз учун анча қийин келган 1989 йилда нималарга эришди ва нималарга эришолмади?

— Ўзбекистон — болажон диёр. Ҳамма ҳам ўз фарзандини чиройли кийинтирсам, дейди. Айниқса шаҳарда, пойтахт азимда бу хусусият кўзга яққол ташланади. Ўғил-қизларнинг шодлигига эришиш осон эмас. Фирмамиз коллективи жумҳуриятимиз корхоналарида ва унинг ташқарисида тикилган буюмларни, ясалган турли-туман ўйинчоқларни сотиш учун хизмат кўрсатишнинг барча усулларидан кенг фойдаланмоқда.

Ўтган йили аҳолига пландаги 74 миллион ўрнига 76 миллион сўмлик турли молларни сотиб, йиллик режани муддатидан илгари адо этган бўлсак ҳам, кўнглимиз тўлмаган ва биз эриша олмаган марраларимиз кўп бўлди. Болалар учун ҳали ҳам зарур узун пайпоқлар, сифатли пойафзаллар, ўқувчиларга ҳаводек керакли турли хил дафтарлар, кундаликлар етарли эмас. Ўзимиз ҳам ранжидик, бошқаларни ҳам ранжитдик.

1990 йилда болаларни ўкситмаслик учун ҳозирданоқ муҳим тадбирларни белгилаяпмиз. Биргина узун пайпоқ, яъни колготкани олиб қарайлик. Ўтган йили бир миллион дона сотгандик. Бу йил эса олти баравар кўп, яъни 6 миллион дона сотишни мўлжаллаяпмиз. Ўқувчилар учун ҳам камёб бўлган молларни анча кўпайтиришни кўзлаганмиз.

— Болалар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳамон паст даражада. Редакциямиз журналистлари 1990 йилда чакана савдо фирмаси коллективи билан биргаликда «Сифатсиз моллар кўргазмаси»ни ташкил этсак, деган фикрни билдиришаяпти. Бунга сиз қандай қарайсиз?

— Жуда яхши фикр. Қуруқ сўздан амалий ишга ўтган бўлардик. Иккинчидан, кимнинг қандай ишлаётгани ҳам кўзга яққол ташланади.

— Мана сиз билан янги йил айёмида учрашиб турибмиз. Фирма-дўкон коллективи пойтахт болаларига нималарни тортиқ этаяпти?

— Янги йил байрами биз учун ҳақиқий синов айёми. Буни ҳисобга олиб, Тошкентнинг энг катта майдонларида, хиёбонларида савдо шохобчаларини ташкил этганмиз. Улар асосан Ленин майдонида, Галабалар, Шифокорлар, Самолётсозлар шаҳарчаларида, К. Маркс кўчасида жойлашган. Уларда хизмат қилиш учун энг яхши савдо ходимлари ажратдик.

Болаларнинг янги йил айёми янада қувноқ ўтиши учун ҳаракат қилаяпмиз.

Шу ерда бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчи эдик. Бу йилги айём учун жумҳуриятимиз бўйича 300 минг табиий арча сотилди. Бу катта бир ўрмон йўқ бўлди, дегани. Шу ерда хорижда амалга оширилаётган ибратли бир ишни таклиф қилардим. Келгуси йилдан бошлаб, арчалар ўраб-чирмаб, илдизи билан сотилса, уларни уйда махсус товоқчаларга ўрнатиб, янги йилни нишонласак. Сўнгра эса ҳар ким ўз ҳовлисига ўтқазса. Биз шундай қилсак, атроф-муҳитни асрашга жуда катта ҳисса қўшган ва кўпгина нарсаларни тежаб-тергаб қолган бўлардик.




— Мана, янги йил ҳам бошланди. Ниятларингиз!

— Ниятларим. Қани энди ўша ниятларимга етолсам. Бу йил биз болаларга 78 миллион сўмлик товар маҳсулоти сотишни кўзлаяпмиз. Болалар учун товарлар сифатли ва хилма-хил бўлса, «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга» деган ваъдабоз шиордан ниҳоят амалий ишга ўтилса, биз тижоратчилар ҳам хурсанд бўлардик.

XX аср кундалиги

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА



Аҳрор АҲМАД,

«Ёш ленинчи» таҳрир ҳайъатининг аъзоси.

ҒАП ВА ИШ

ИНСОН БОЛАСИ умид билан яшайди. Ҳамиша янги йилдан умидвормиз, у ҳаётимизга, туриш-турмушимизга нима янгилик олиб келаркин, деб интиқ бўламиз. Вақт ўтган сайин эса у ҳам олдинги йиллардан деярли фарқ қилмаслигини, янги йил дастурхони устида билдирган эзгу ниятларимиз ўша дастурхоннинг устида қолиб кетганлигини ўкинч билан эслаб қўямиз. Лекин, кўпинча, биз бир нарсани унутамиз. Ҳеч маҳал хайрли ишлар, эзгулик, тўкинлик Қорбобонинг совғали қопидан тушмайди. Унга эришиш учун ҳаракат қилиш, курашиш лозимлигини биз кўпинча ўйламаймиз.

Эришган энг катта ютуғимиз — ўзбек тили давлат мақомини олиши бўлди. Лекин бир нарса бари бир эсдан чиқмайди. Йил бошида бир неча жасоратли зиёлилар бу масалани кўтариб чиққанда, не-не зотлар, алломалар, раҳбарлар унга қарши бўлишганди. Масала ҳал бўлгач эса, тўйбошилар кўпайиб кетди...

Йилимизнинг яна бир ютуғи жумҳуриятимизнинг ҳозирги раҳбарияти том маънода ўз ишини халқ манфаатлари учун қайғуриш асосида олиб боришмоқда. Гарчи амалий ўзгаришлар ҳали унча кўзга ташланмаса-да, шунинг ўзи ҳам кишида эртанги кунга умид уйғотади.

Йилимизнинг ютуқлари қаторида унинг жуда катта йўқотиши, балки ютуқларнинг умумий салмоғидан ҳам ошиб тушадиган фожиаси ҳам бўлди. Бу Фарғона фожиасидир. Бу ҳозирга келиб, «шунчаки қулупнай»дан чиқмаганлиги, можаро илдизлари анча чуқурлиги ҳаммага аён. Фарғона воқеаси ҳар биримиздан — то ҳукуматнинг олий раҳбарлари олдигача кўпдан-кўп саволларни қўйдики, уларга жавоб олиш учун ҳали биз кўп бош қотиришимиз керак бўлади. Фожиа ҳали ҳам ўзининг барча қирралари ва жиҳатлари билан ўрганиб чиқилиши лозим.

Ҳозирча эса у бир гуруҳ ташаббускор кишиларнинг иши бўлиб қолмоқда, холос. Нега Тбилиси воқеаси қурбонларига СССР халқ депутатларининг I Съездида бир дақиқа сукут сақланди-ю, II Съездда Фарғона фожиаси қурбонлари ёдга олинмади? Нега ўша Съездда Тбилиси воқеасини ўрганиш учун ҳукумат комиссияси тузилиб, куни-кеча уларнинг ҳисоботи тингланди-ю, Фарғона фожиаси бўйича бундай қилинмади? Ваҳоланки, Фарғона фожиасининг кўлами, тўкилган қонлар, ўлганлар сони Тбилисидагидан бир неча марта зиёд эди-ку? Нега ўқ отишга рухсат берганлар номма-ном зикр этилмади? Нега? Бу «нега»ларга эса жавоб бериш керак.

Бу фожиа юртимиз тарихидаги энг мусибатли ва қонли воқеа бўлиб қолди. У нафақат бизга, бошқа миллатларга ҳам сабоқ бўлиши керак. Бу фожиа ҳақида биз узоқ фикрлашимиз, матбуот саҳифаларининг доимий мавзуси бўлиб қолиши, ҳар йили бу кунни хотирлаб боришимиз ҳам қурбонлар олдидаги қарзимиздир.

Шу билан бирга Фарғона воқеаси дунёдаги энг меҳнаткаш, энг меҳмондўст ва энг мўмин қобил халқ бўлмиш ўзбек халқи ўз қадр-қиммати топталса, оёққа қалқишини бошқаларга эслатди, уларни сергаклантирди.

Йилимизнинг энг қадрли фазилатларидан бири — биз миллий мудроқликдан миллий уйғоқликка сари қадам ташлашга жазм этдик. Халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳис қила бошлади. Ва уни талаб қилишни ўрганмоқда. Остона ҳатлаб кўчага чиқиб, «здрасти» демаса, иши битмай қолган халқ энди бемалол «ассалому алайкум» деб гапира бошлади. Марказлик режиссёрлар кино ишлаганда ўзбек образини фақат «бозорчи» қилиб тасвирлашдан тўхташмоқда. Чунки режиссёр ўша ўзбек марказнинг бозорини юргизиб турмаса, энди ўзи оч қолишини англаб етмоқда. Қолаверса, бундай тасвирлар учун ўша ўзбек энди илгаригидек кулиб қўя қолмаслигини ҳам ҳис қилди, чоғи.

Мана шу уйғониш ҳаққи-ҳурмати у яна «бедарак йўқолмаслиги» учун ишланаётган ҳар бир кино, театр асари, чизилаётган ҳар бир сурат, ёзилаётган ҳар бир китобга фақат сиёсий, бадиий ва тарихий жиҳатлардангина баҳо бериб қолмай, миллий нафсоният, миллий қадр-киммат ва миллий ғурур баландликларидан ҳам қарашга ўрганмоғимиз, дўстларимизни ҳам шунга ўргатмоғимиз керак. Токи, кечаги бозорчи ўзбек образи бугун фақат порахўр, мафиоз ёки янада «силлиқроқ» ролга лойиқ кўришса — совға беришни хуш кўрадиган мултони бўлиб қолавермасин. Буни дўстларимиздан талаб қилишдан олдин, ўзимиз ўрганиб олишимиз лозим. Менинг назаримда, Марказий телевидение орқали ўзбек режиссёрлари ишлаган «Меҳр-муҳаббат ва алам билан» тўрт серияли телевизион бадиий фильмини кўрган XX аср Шерлок Холмслари — Гдлян ва Ивановлар роса хурсанд бўлишган эрса ажаб эмас. Биз болалар боғчасидан бошлаб, миллий ғурурни тарбиялашга киришишимиз керак. Чунки ғурури йўқ халқнинг келажаги ҳам бўлмайди. Мен гуржи халқини шунинг учун ҳам ҳурмат қиламанки, уларнинг ўғрисини ҳам, жиноятчисини ҳам, бюрократининг ҳам ғурури бор. Ҳар қалай, шундай тасвирлашади, бошқаларга шундай тақдим этишади. Ахир бу ҳам тарбия-да.

Бизда ҳар йилнинг ўз атамаси, номи бўлади. «Тинчлик йили», «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш йили», «Оналар йили» ва ҳоказо. Шу маънода кузатаётган йилимиз «Гап йили» бўлди. Биз узоқ йиллар тилимиз, дилимиз кишанлаб қўйилганидан зорланиб яшадик. Дилимиздаги гапларимизни энг яқин одамларимизга шивирлаб гапирардик. Мана энди бемалол, баралла, кўнгилда борини айтишга ўтмоқдамиз.

Энди эса биз ва ниҳоят гапдан ишга ўтишимиз вақти келди. Чунки халқни гап билан боқиб бўлмайди, дастурхонни ваъзхонлик билан тўлдириб бўлмайди. Экология ҳақида сафсата сотгандан кўра, битта кўчат ўтқазсак шундоқ ёнгинамиздаги ариқда сув ўрнида оқаётган қўланса алламбалоларни ўзимиз қўлимизга белкурак олиб тозаласак, тил деб, айюҳаннос солгандан кўра, ўзимиз ўзбекча тўғри ёзишни ва маданиятли сўзлашишни ўргансак, меҳр-шафқат, мурувват ҳақида сўз айтишдан бурун ногирон қўшнимизга бир коса овқат олиб чиқишни эпласак, шу афзал эмасми?

Ва яна бир муҳим масала — бизда ишлаб чиқариш интизоми, меҳнат интизоми ва маданияти етишмай қолди. Бори ҳам ошкоралик ва демократиянинг олатасир тўлқинлари ичида йўқ бўлиб кетди. Биз ҳадя қилинган ошкоралик ва демократияни суиистеъмол қила бошладик. Минг карра аминманки, бизда касб интизоми ва малакаси жуда ҳам суст. Ҳар биримиз ўзимизнинг чет эллик ҳамкасбимиз олдида ўз соҳамиз бўйича жуда ҳам нўноқлигимизни келинглар, тан олайлик. Қизиқда, бизда ишлатилаётган дастгоҳлар ҳам ўша чет элники-ку, чиқарган маҳсулотимиз уч пулга қиммат. Бу ерда биз энди кимни айблаймиз? Қайта қуришними, ошкораликними? Ёки раҳбарларними? (Асли бизда танқид қилинмаган одамнинг ўзи қолмади). Лекин ҳеч маҳал ўзимизнинг ҳам жиндеккина айбимиз борлигини ўйламаймиз. Чунки биз ишлашни унутиб қўйганмиз. Агар астойдил ишласақ, ўша капиталистик мамлакатдаги ҳамкасбимиз қатори меҳнат қилсак, тез орада бу инқироз жарлигидан эсон-омон ҳатлаб ўтамиз. Акс ҳолда эса...

Шунинг учун келинглар дўстлар, ушбу Янги йилнинг дастлабки куни яхши ният қилайлик:

«Янги йил гап эмас, иш йили бўлсин!».

Қорбобо қийин аҳволда қолди: болакай совғани дарҳол беришни талаб қилмоқда.

Л. ЧУЙКО сурати (ТАСС).



МАМЛАКАТИМИЗДА



Қулман ОЧИЛ,

«Ёш ленинчи» муҳаррири ўринбосари.

ҚУТЛУҒ ВОҚЕА

БУГУН — ЯНГИ ЙИЛНИНГ биринчи куниданоқ ижодингни яна эски дардларимиз, тузалмаётган яраларимиз ҳақидаги гаплардан, неча йиллардан буён чекиб келаётган оҳ-воҳларимизни ёзишдан бошлагинг келмайди, киши. Бу кўҳна дунёнинг муаммолари тугамаган, тугамайди ҳам. Лекин биз, ёшларнинг умримиз том маънодаги муаммолар тўлқинига бақамти келганга ўхшайди. Уйлардан, гаплардан, чорасизликлардан толиқиб қолаяпмиз. Йўқсилнинг орзулари ушалиши қийин экан. Бундай дамларда кўнглинг узлатни, олам ташвишларидан ҳоли гўшани қўмсаб қолади. Аммо афсуски, ташвишлар — жамиятнинг, рўзғорнинг, бола-чақаларнинг ташвишлари сени ҳамма жойда таъқиб этиб бораверади.

Ташвишлар юкини бироз бўлсин енгиллатмоқнинг, кўнгилни равшанлаштирмоқнинг бир йўли, менингча, дилга умидли туйғулардан куч жамламоқ. Шунда киши янада самимий муҳаббат билан яшашга, курашга ошиқади.

Менинг бугун мамлакатимизда ўтган йили амалга ошган ана шундай умид уйғотувчи ишлар ҳақида ёзгим келди. Лекин таассуфки, гапни бари-бир яна фожиадан бошлашимга тўғри келади. Кулфатсиз қувонч йўқ, қувончсиз-саодат.

Аниқ куни хотирамдан кўтарилибди. Февралнинг сўнгги ҳафтаси эди. Оқшом тушиб, уйга кетишга ҳозирлик кўриб турганимизда редакциямизга икки киши кириб келди. Бири-ёшроқ. Иккинчиси — қария. Қариянинг оёғида керза этик. Соч-соқоли ўсган. Эгнида чопон, чакмон. Куйиб, қорайиб кетган. Қизарган кўзларида чексиз оғриқ, чарчоқ, ҳадик. Гўё дунёнинг жамики дардларини ўзида жамлагандек.

Бобонинг қўлида «Ёш ленинчи»нинг 16 февраль сони. Биринчи саҳифада сурати чоп этилган аскарлардан бирини кўрсатиб, йиғлайди: «У менинг ўғлимга ўхшайди! — дейди. — Ўғлимни тезроқ топиб беринглар!...»

Меҳмонлар Зарафшон воҳасидан экан. Отахон — умри сурув ортида ўтаётган чўпон. Яйловдан нарига чиқмаган. Муаллим қўшнисини, ўқишниям, ўрисчаниям билмайман, Тошкентда менга кўз бўласиз, деб эргаштириб келибди.

Отахон Афғонистонда хизмат қилаётган ўғлининг командиридан олти ой бурун «қора хат» олган. Сўнг машъум темир қутини олиб келишган. Лекин, ота-она унда ётган йигитни таний олмаган. Ҳалок бўлган фарзанд уларнинг ёлғизгинаси — бу дунёга келиб топган якка-ю ягона зурриёди экан. Ота ўғлининг ўлганига ишонмайди. Ишонмагани учун уни кутади. Бир куни эшитсаки, яқинда Афғонистондаги барча Совет аскарлари Ватанига қайтадилар. Отахон сурувини ташлаб, Термиз сари отланади. Тўрт кеча-ю тўрт кундуз Ҳайротон йўлида тик туради. Дуч келган аскардан жигаргўшасини суриштиради. Аммо: «Олдимдан дунёнинг соллати ўтди. Ўғлимни тополмадим...»

Ота бу ёруғ дунёдан умид риштталари узилиб, ўзини, одамларни шафқатсиз фалакни қарғаб, қишлоғига қайтади. Аммо уйида унинг топталган умидларини жонлантирувчи мужда кутиб турган экан. Қўшниларидан бири «Ёш ленинчи»ни олиб чиқиб, аскарларнинг суратини кўрсатибди.

Газета саҳифасидан қараб турган йигит, ҳақиқатдан ҳам, қариянинг ўғлига ўхшаб кетади. (Уйидан олиб келган суратига солиштириб кўрдик). Аммо афсуски, фақат ўхшаб кетаркан, холос. Жанггоҳдан омон қайтган ўша бахтли инсон унинг ўғли эмаскан.

Отахон оҳ уради: «Бунчалар бераҳм бўлмасанг, худо!».

У бошига тушган бу мусибатни фақат худодан кўради. (Балки бу бир ҳисобда яхшидир!) Унинг ўғлига ўхшаш неча юз минглаб йигитларнинг чегара ошмоғига, қўшни ерларда қирғинбаротларда қатнашмоғига ва ҳалок бўлмоғига фотиҳа берган «фотиҳ»лар кимлигини аниқ билмасдик, ўшанда.

Энди маълум бўлди, миллионлаб инсонлар тақдирини «тор доирада» ҳал қилган ўша «тўртлик» — Брежнев, Устинов, Громико, Андропов...

XX асрнинг ўтган салкам 90 йили фожиаларга тўла бўлди. Бирор асрда одамзот бир-бирини бунчалик кўп қирмаган. Оламни икки гуруҳга бўлиб юборган инқилоб, фуқаролар уруши, кетма-кет такрорланган икки жаҳон қирғини, Сталиннинг қатағони... Булардан ташқари, талай қардош мамлакатларга аскарларимиз берган бошқа «ёрдам»лар. Халқимиз эди енгил нафас оламан, деганда, Афғонистон!.. Қиличларимиз занг босишга улгурмаган, ишқилиб. Бир халқнинг бошига қисқа вақт ичида шунча фожиа, кўргулик тушар-да!...

Ўша машъум кунлари 1979 йилнинг декабрида ёлғиз бир кишигина академик Андрей Сахаровгина унга қарши чиққанлигини яқинда билдик. Аммо мамлакат раҳбариятида унинг, ҳақ сўзли олимнинг эътирозини тинглайдиган зот топилмади. Тўғрироғи топилди-ю, академик дарҳол... Горький вилоятига сургун қилиниб, ҳукуматнинг барча мукофотларидан маҳрум этилди. У олти йил — 1986 йилнинг охиригача, то М. С. Горбачев шахсан қўнғироқ қилиб, Москвага таклиф этмагунича, ўз ватанида эрксизликда, сургунда яшади. Мамлакат эса ҳали-ҳамон ўз фарзандларини ўзга заминга жўнатар, биродаркушлик авж олган юртдан ватанимизга темир тобутлар кетма-кет келиб турарди. Жамият ҳали қайта қуриш йўлига тўла тушиб олмаган, ошкоралик, демократия шабадалари ҳарбийлар ҳаётига эндигина етиб бормоқда эди. Бу шабадаларга кенгроқ йўл очилмоғи учун немис йигити Рустнинг Қизил майдонга қўнмоғи керак бўларди, гўё.

Ниҳоят президентимизнинг Рональд Рейган билан мулоқоти, Женеванинг етиш машаққатдан иборат бўлган шартномаси, иккиланишлар, шубҳалар, пўписалар, пайсаллашлар ортда қолиб, «чекланган миқдордаги» қўшинларимиздан бир гуруҳи Ватанимизга қайтади. Аммо 1989 йилнинг 15 февралигача ҳали фурсат бор. Демак, ҳали жангу жадал, қурбонлар бериш давом этарди. Ана шундай жувонмарг кетганлар сафига тақдир, Зарафшон воҳасида яшовчи ўша отахоннинг ўғлини ҳам тиркаб қўйди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган ўша кун етиб келди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари олам бўйлаб хабар тарқатдилар: «Бугун сўнгги Совет аскари Афғонистон ерини тарк этди...»

Ўз ички муаммоларидан боши қотган улкан мамлакат бундан енгил тортгандек бўлди. Ўғилларининг бўйи етган миллионлаб оналарнинг безовта кўнгли бироз тинчиб, оталарнинг уйқусига ором кирди.

Бу хушрўй қиз ва йигитнинг тўйи ўтган йили бўлиб ўтди. Ойгул Искандарованинг кўнглини ром этган хивалик Отабек Отажонов ҳам Афғонистонда хизмат қилган.

Ж. ҚОЗОҚОВ суратга олган.



СССР Халқ депутатларининг биринчи, сўнгра иккинчи Съездида Афғонистон масаласида қизғин баҳслар бўлди. Унга сиёсий баҳо берилди. Бундай шармандали, айни вақтда, ҳалокатли қарорларни келгусида якка шахслар халқдан бемаслаҳат қабул қилмаслиги учун қонунлар жорий этиш талаб этилди...

Ўтган йили эришган қувончли ютуқларимиздан энг муҳими, менингча, 15 февраль — Совет халқи учун афғон урушининг тугагани бўлди! Мамлакатимиз раҳбарияти эришган бу юксак муваффақият сабаб минглаб, балки миллионлаб ватандошларимизнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

ХОРИЖДА



Фарруҳ РАҲИМ,

«Ёш ленинчи» бўлим мудири.

Шарқий Европанинг уйғониши

ШАРҚИЙ ЕВРОПАДА иккинчи инқилоб бошланди. 1917 йилда мамлакатимизда социализм қуриш учун инқилоб қилинганди. Уларда-чи? Уларда социализмни янгилаш учун. Дарвоқе, бунда ҳам биз намуна кўрсатганмиз. Қарийб, олти йилдирки, Иттифоқимизда қайта қуриш кетмоқда. Бизда сталинизм, брежневчилик бўлганди. Уларда-чи?..

ГДРда Хонеккер бошчилик қилган собиқ партиявий раҳбарлар «мамлакатни ўзларининг шахсий ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи дўконга айлантиришган». Улар ишониб топширилган ҳокимиятни суиистеъмол қилишган, порахўрлик, молиявий фирибгарлик билан шуғулланишган. Шу боис Э. Хонеккер билан бирга Вернер Кроликовски, Эрик Мильке, Александер Шалик — Голодковски, Хорст Зиндерман, Вилли Штофлар Марказий Қўмита ва партия сафидан чиқарилдилар. ГБСП МҚнинг собиқ котиби Гюнтер Миттаг ва собиқ касабачилар уюшмаси раҳбари ҳамда ГБСП Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси Х. Тишлар ҳибсга олинган. ГБСП округ қўмитасининг собиқ биринчи котиби Г. Мюллер ўзи бошқарган Тюринги округида бутун ҳокимият мафия қўлида эканлиги ва ўрмонда бир миллион ғарб маркасига кошона қурдигани, бу пулларни эса партия хазинасидан ўмаргани тўғрисида лом-лим демади. А. Шалик — Голодковский эса чет элга қонунга хилоф равишда қурол-яроғ сотиш билан шуғулланган. Қуроллар асосан дунёнинг «қайноқ нуқта»ларига жўнатилган. Бироқ бу олди-соттидан тушган валюта қаёққа кетганлиги номаълум. Ана шу жиноятлар тўғрисида ҳақиқатни очиқ-ойдин ва охиригача айтмагани учун Э. Хонеккер ўрнига Бош котиб бўлган Эгон Кренц ҳам обрўсидан, ҳам амалидан маҳрум бўлди. Мамлакат эса йил бошидан бери ўзининг 250 минг фуқаросидан айрилди: улар ГФРга кетиб қолишди. ГДРдаги раҳбар коммунистларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятни ва бурчни унутганликлари мамлакатга жуда қимматга тушди.

ГДРдаги воқеалар ноябрнинг бошида бошланганди. 17 ноябрда унинг шамоли Чехословакияга ҳам етиб келди. Шу куни жамоат хавфсизлиги бўлинмалари куч ишлатиб, Праганинг миллий проспектида ўтаётган талабаларнинг тинч намойишини тарқатиб юборди. Натижада 38 киши жароҳатланиб, улардан ўн нафари касалхонага ётқизилди. Бу гўё оловга мой сепгандек бўлди. Ваҳоланки, бундан олдин ҳам бир неча марта оддий меҳнаткашларга қарши таёқлар, кўздан ёш оқизувчи газ, сув пуркагичлар ишлатилганди. 21 ноябрда Вацлав майдонида яна митинг бўлди. Унда юз, икки юз, уч юз минглаб кишилар қатнашишди. 25 ноябрдаги Летен майдонида ўтган митингга 750 минг киши йиғилди.

19 ноябрда ташкил топган Фуқаролар анжумани ўзининг таъсис йиғилишидаёқ президент Г. Гусак ва ЧКП МҚ Бош котиби М. Якешни вазифаларидан бўшатишни талаб қилди. Чехославакия Компартияси Марказий Қўмитаси шоша-пиша навбатдан ташқари пленум ўтказди. Карел Урбаникни янги Бош котиб қилиб сайлади-ю, бироқ бўлган воқеаларга сиёсий баҳо бермади. Кўп ўтмай, партиянинг навбатдан ташқари съезди бўлиб ўтди. Ладислав Адамец партия раиси бўлди. Лекин у раис бўлгунича 60 мингдан зиёд коммунист ўз партбилетини намойишкорона топшириб бўлганди.

Худди шу пайтда Болгариядаги воқеалар ҳам яшин тезлигида ривожланмоқда эди. Болгарлар ҳам 35 йил ўзларига ҳукмронлик қилган 78 ёшли Тодор Живковнинг қуруқ ваъдаларига учмадилар, сиёсий сафсатабозликка алданиб қолишмади. Шундан кейин БКП МҚнинг пленуми Т. Живковнинг «илтимос»ини қондириб, уни Марказий Қўмитанинг Бош котиби ва Сиёсий бюроси аъзоси вазифаларидан озод қилди. Энди халқ собиқ «доҳий»ни Хонеккер сингари жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилмоқда.

1989 йилги Шарқий Европадаги уйғониш аслида Венгрияда бошланганди. 23 октябрь венгерларнинг миллий яраш куни деб эълон қилинди. Ва худди шу куни давлат номи бундан буён Венгрия республикаси деб аталиши маълум бўлди. ВСИП — Венгрия Социалистик Ишчи партияси амалда тарқалиб кетганидан хабарингиз бор. Унинг ўрнига қолган янги Венгрия Социалистик партия (ВСП)ни тузиш жуда қийин кўчмоқда. Гап шундаки, ВСИПнинг охирги съездида унинг ўрнига ВСПни тузишга қарор қилиниб, ҳатто унинг раҳбар органлари шакллантирилганди. Аммо «бош» бор-у, «тана», «оёқ-қўл»ларнинг ўсиши чўзилмоқда.

Шарқий Европадаги уйғониш Руминияга энг охирида етиб келди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Негаки, энди маълум бўлишича, социалистик давлатлар ўртасида социализм ниқоби остида ўрнатилган энг манфур диктаторлик тузуми худди ана шу мамлакатда ҳам бор экан. Венгрия, ГДР, Чехословакия, Болгариядаги воқеалар айни авжига чиққан, собиқ раҳбарларнинг асл башараси фош қилинган бир вақтда Бухарестда РКПнинг XIV съезди бўлиб ўтди. Съездда тантанали равишда мамлакат иқтисодиёти ташқи қарздан қутилгани, кейинги 45 йил ичида миллий даромад 22 баробар, ўртача маош эса 10 баробар ошганлиги эълон қилинди. (Эътибор беринг-а, бу рақамлар ва жумлалар бизга қанчалик яқин!). Залдагилар эса ўринларидан туриб, гулдурос қарсаклар билан президиумни олқишлашарди. (Бу манзара ҳам бизга жуда таниш).

Руминиянинг ташқи қарзи йўқлиги ростдир. Лекин бунга қандай эришилди? 1975 йилдан 1989 йилгача хорижга тўланган 24 миллиард долларни нимaнинг ҳисобига ишлаб топилди. Халқнинг қашшоқлиги, очлиги, касалхоналарда дори-дармонларнинг йўқлиги, уй, мактабларнинг иситилмаслиги эвазига. Аммо Чаушеску хонадони, қариндош-уруғлари учун бундай қийинчиликлар мутлақо ёт бўлган.

Лекин ҳар нарсанинг ҳам чеки бўлади. 17 декабрдаги Тимишоарадаги хунрезлик халқнинг сабр косасини тўлдирган охирги томчи бўлди. Халқ қўзғалди, армия унга қўшилди, инқилоб бошланди. 22 декабрда ҳокимият қўзғолончилар қўлига ўтди. Озодлик йўлида аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, 70 мингга яқин киши жон фидо қилди, 300 минг киши яраланди, аммо ғалаба сақлаб қолинди. Николае ва Елена Чаушескулар эса Фавқулодда ҳарбий трибунал ҳукми билан қатл этилдилар.

Лекин шуни аниқ айтиш мумкинки, ГДР меҳнаткашлари, венгерлар, чехлар ва словаклар, руминлар янги йилни ҳақиқий демократия, эркинлик, чинакам фикрлар хилма хиллиги шароитида кутиб олишди. Буни уларга узоқ йиллардан сўнг Рождество байрами расмана нишонланганидан ҳам билса бўлади. Янги йилда улардаги шоду ҳуррамлик давом этади, эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқади, деб умид қиламиз.

АҚШ. Ўзинг учун севикли касбда бўлсанг ишинг доимо олға босади. Буни Ғарбий Виржиниянинг Уилинг шаҳрида гўзаллик мактабида сартарош бўлиб ишловчи Барбара Фритц мисолида ҳам кўриш мумкин (Суратда ўнгда). У дугонаси Ким Уэстнинг сочини суратда кўриб турганингиздек ғаройиб тарзда турмаклади.

АП—ТАСС телесурати.



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
Ёш ленинчи
• Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг органи •

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин



ҚУЁШ ЙИЛИ ОЙЛАРИ ДОИРА ИЧИГА ОЛИНГАН КУНДАН БОШЛАНАДИ. 21 МАРТ ЁКИ ҲАМАЛНИНГ БИРИНЧИ КУНИДА МУЧАЛ БЎЙИЧА ОТ ЙИЛИ КИРАДИ.

	ЯНВАРЬ	ФЕВРАЛЬ	МАРТ	АПРЕЛЬ	МАЙ	ИЮНЬ
Д.	1 8 15 22 29	5 12 19 26	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25
С.	2 9 16 23 30	6 13 20 27	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29	5 12 19 26
Ч.	3 10 17 24 31	7 14 21 28	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27
П.	4 11 18 25	1 8 15 22	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28
Ж.	5 12 19 26	2 9 16 23	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29
Ш.	6 13 20 27	3 10 17 24	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30
Я.	7 14 21 28	4 11 18 25	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24
	ДАЛВ	ҲУТ	ҲАМАЛ	САВР	ЖАВЗО	САРАТОН

1990

Рассом Аброр ОРИПОВ.

	ИЮЛЬ	АВГУСТ	СЕНТЯБРЬ	ОКТЯБРЬ	НОЯБРЬ	ДЕКАБРЬ
Д.	2 9 16 23 30	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31
С.	3 10 17 24 31	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25
Ч.	4 11 18 25	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26
П.	5 12 19 26	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27
Ж.	6 13 20 27	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28
Ш.	7 14 21 28	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29
Я.	1 8 15 22 29	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30
	АСАД	СУНБУЛА	МЕЗОН	АҚРАБ	ҚАВС	ЖАДДИЙ

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Р. 01002. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Индекс: 64607. Д. — 2801.